




СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН | № 99 (16.789). | 29 апрель 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.



Андижон машинасозлик заводи коллективи Улуғ Октябр 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, натта ютуқларни қўлга киритмоқда. Суратда: мусобақа пешқадамларидан (чапдан) Б. Мелешино, В. Муротова, В. Ерофеев, Р. Жалилов.

ОКтяБРНИНГ МУЗАФФАР БАЙРОҒИ ОСТИДА АНДИЖОН ОБЛАСТИ



Қутлуғ байрамлар арасида босиб ўтилган шонли йўлга назар ташлаш давримизнинг ажойиб анъанасига айланди. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан халқимиз эришган улкан муваффақиятларни сарҳисоб қилмоқдамиз, партия ва совет халқининг революцион, жанговар ҳамда шонли меҳнат анъаналарини муттасил бойитиб бориб, СССРда коммунистик қурилишнинг ўзинчи беш йилликка мўлжалланган планларини амалга ошириш учун курашда янги-янги ташаббуслар туғилаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ленин ордени Андижон области Совет ҳокимияти йили

ларида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилди. Ленинча миллий сиёсат тантанаси областда халқ ҳўжалигини бекиёс суръатлар билан ривожлантириш, илм-фан ва маданиятни раванқ топтириш истиқболларини очди. Бугунги Андижон саноати гуркираб ривожланган, қишлоқ ҳўжалиги фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларига асосланган қарвонбоши областлардан биридир.

Газетамизнинг бугунги сониди эълон қилинаётган материалларда Ленин ордени Андижон области меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида эришган ва эришаётган ажойиб ютуқлар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

МАЙОЛДИ МЕХНАТ ВАХТАСИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕХНАТКАШЛАРИ ХАЛҚ ҲўЖАЛИК ПЛАНЛАРИНИ ТУЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН АКТИВ КУРАШИНГИЗ! ПЛАН, ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕХНАТ ИНТИЗОМИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН МУСТАҚАМЛАНГИЗ!

ТОПШИРИҚЛАР БАЖАРИЛДИ

Иттифокдош республикалар саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябр 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, давлат планини мўддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб бориб, 1977 йил биринчи квартал топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Ҳақириқларидан).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Энгил саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябр 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада қўшилди. 27 апрель куни 1977 йилнинг тўрт ойлик планини бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари 14,3 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинади.

Республика мебель саноати корхоналарининг коллективлари Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт ойлик планини 28 апрель куни мўддатидан илгари бажардилар. Ой охиригача 800 минг сўмлик халқ истеъмол моллари қўшимча равишда реализация қилинади.

Фарғона области саноат корхоналарининг коллективлари ўзининг беш йиллик топшириқларини мўддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 27

Жиззах области саноат корхоналарининг коллективлари Ватанинг юксак мукофоти — Ленин орденидан руҳланиб, Майолди меҳнат вахтасида муваффақиятга эришдилар: маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик план мўддатидан илгари — 27 апрелда бажаришди. Пландан ташқари икки миллион сўмликдан зиёд қўшимча маҳсулот реализация қилинадиган бўлди.

РЕМОНТЧИЛАР ЗАФАРИ

«Узсельхозтехника» бирлашмаси корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга таъбиқ эта бориб, Улуғ Октябр социалистик революциясининг 60 йиллиги юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақани қизтириб, кўпчилик энг муҳим қарорларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт ойлик план мўддатидан илгари бажардилар. Бирлашма бўйича маҳсулот реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг

шу даврга нисбатан 6,6 процент ошди. Бу муваффақиятга асосан меҳнат унвондорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бирлашма корхоналарида бу даврга меҳнат унвондорлигини ошириш план-топширигини 102,5 процент бажаришди. Республикада ремонтчилар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик кўни 1 Май байрамининг пландан ташқари 1,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан кутиб оладилар.

ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ҳиндистон ҳукуматининг таълифига мувофиқ расмий визит билан Ҳиндистонга борган КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР таъши ишлар министри А. А. Громико 28 апрель куни Москвага қайтиб келди. Аэродромда А. А. Громико КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР таъши ишлар министри П. Н. Демичев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

Сийсий адабиёт наشريёти КПСС Марказий Комитети секретари Уртоқ К. У. Черненконинг «Партия ва давлатнинг иш усулбиди» иккинчи ривожлантиришнинг баъдий масалалари» номли китобини нашр этди. Китобда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленинча иш усулбиди иккинчи ривожлантираётганлиги ва тинмай такомиллаштираётганлиги, коммунистик қурилиш практиканидан келиб чиқадиган назарий қонунлар билан бойитилётганлиги баътафсил баён этилган. Китобда КПССнинг партия XXV съезди натижи ва таъши сиёсат борасида белгилаб берган вазифаларини бажариш йўлидаги кўп қиррали фаолияти тўғрисида конкрет мисоллар келтирилган. (ТАСС).

АШХОБОД ОБЛАСТИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

АШХОБОД, 28 апрель. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Ашхобод областида Ленин ордени топширилди. Бажариш билан ташқари йиллик план билан муваффақиятга ҳўжалик ва маданият қурилишдаги катта муваффақиятлар, тўққизинчи беш йиллик план ва ўзининг беш йиллигининг биринчи йили

топшириқларини мўддатидан илгари бажарганлиги учун сазовор бўлган эди. Иккинчида Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғафуров нутқ сўзлади. У иккинчиларнинг гулдўрс қарсаклари остида Ашхобод области байроғига Ленин ордени тақиб қўйди.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

И. УСМОНХўЖАЕВ,

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

Улуғ Октябр олтинчи ёшга тўляпти. Бу тарихан қисқа мўддат, албатта. Бироқ, шу мўддатда ўз моҳият-эътибори билан инсоният оламида мислсиз ўзгаришлар юз берди. Октябр инсонга инсондек яшаш ҳўқуқини берди, унинг қадрини оширди. Меҳнат аҳлига озодлик ва истиқболнинг нурли йўлини кўрсатди. Октябр тўнги отиб, озодлик қўши қуридан Андижон меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўла бошлаганларидан буён область ҳаётида тўз ўзгаришлар рўй берди. Саноат, қишлоқ ҳўжалигида, маданият ҳаётида мислсиз ўсишга эришилди. Ёшларнинг оғни, билими юксалиб, турмуш босқичи яхшиланди. КПСС Марказий Комитетининг XXV съездида Ҳисобот доқладиди биз босиб ўтган ана шу йўл ҳақида гапириб, «Совет мамлакатини, халқини маънавий, техник, шонли йўлини босиб ўтилар» деган ҳар биримизга, коммунистларга, бошқача йўлни танлаб олганини истаристилан, деган савол берилса, йўқ, деб жавоб беради, деб йўллаймиз. Ўзининг йўлини ҳақиқат йўли, эркинлик йўлидир, халқ бахт-саодати йўлидир», — деган эди. Бу ҳар биримизнинг кўнглимиздаги гаплар билан ҳам-оҳанг, айни дилимиздагини топиб айтилган гаплардир.

Янги ижтимоий тузум мислсиз тараққиёт уфқларини очиб берди, камолотнинг ойдин йўлларини кўрсатди. Буни биз саноатимизнинг тараққиётда, унинг али одимларида яққол кўришимиз мумкин. Андижон, Ленинск, Шаҳрихон сингари саноат шаҳарлари вужудга келди. Ҳозир областда 86 та саноат корхонаси бор. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1913 йилдагидан 129 баравар кўпайган. Андижон машинасозлик заводи сингари айрим корхоналар республикамиз саноатининг фахри ҳисобланади.

Кейинги йилларда машинасозлик, нефть, газ, электротехника, химия, мебель, пойфазал, тикуччилик, бинокорлик саноати айниқса барқ уриб ривож топди. Учта машинасозлик заводи ишлаб турибди. Андижон машинасозлик заводи ўзининг дизеллари, насослари ва универсал юклагичлари билан машҳур. Андижон ирригация машинасозлиги заводи, «Коммунар», «Электрорапарат», «Электродвигатель» заводлари, нон комбинати, механика заводи, трикотаж фабрикаси ҳам Совет ҳокимияти йилларида қурилиб, ишта туширилди.

Пахта тозалаш заводлари кўпайди ва қудратли техника билан қуролланди. Сўфиқишлоқ, Бўз пахта заводларида энг янги техника ишлатмоқда. Эндиланда Андижон толасига чет элларда ҳам талаб катталиги бизни қувонтиради. Андижон маркази билан чиқари

лаётган маҳсулотларини бугун жаҳоннинг 35 мамлакатига учратиш мумкин.

Областимизда капитал қурилиш кенг қўламда олиб борилаётир. Ҳар йили янги-янги корхоналар қад ростламоқда. Янги қувватлар ишта туширилмоқда. Айниқса, қишлоқларни йиғта қуриш ишлари авж олдириб юборилди. Бу ишларин олтига йирик қурилиш трести, ўн бешта қурилиш-монтаж ташкилоти ва қўлгина механизациялашган кўча колонналарнинг коллективлари муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Қурилиш ишларига сарфланаётган капитал маблағ йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунга айтиш кифояки, сўнгги вақтларда машинасозлик заводида қуюв цехи, Володарский номли тикуччилик ва пойфазал фабрикалари, консерва заводининг янги корпуслари ишта туширилди. Андижон сув омбори қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориламоқда. Ил-тазлама комбинати қурилишини бошлаш таралдуидамиз.

Совет ҳокимияти йилларида темир йўл, автомобиль транспорти гурираб ривожланди. Эндиланда юк ва йўловчилар ташинидаги қи-йинчиликлар барҳам топди. Областимиз хари-тасини кўздан кечирсангиз, равоя асфальт ва тош йўллар шаҳар ва қишлоқларни туташти-риб турганлигининг гувоҳи бўласиз.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин граждандар уруши давом этиб турган оғир бир пайтда мамлакатимиз истиқболини йўлаб, электрлашти-риш меҳнат жарабинини, кишиларнинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгариб юборишини баъорат қилган эди. Шаҳар ва қишлоқларни ёппасига электрлаштириш Илйининг ороуси эди. Бугунги Андижон ҳам ана шу доҳийона баъорат рўёбга чиққанлигининг ажойиб наму-насиридир. Ўтмишда зах ва қоронғи уйлари қора чироқ билан ёритиб турган ўлка бугунги кунда қудратли энергетика базасига эга. Са-ноатдагина эмас, қишлоқ ҳўжалигида ҳам меҳ-натли электрлаштириш қизғин давом этмоқда. Амалда Илйич нури кирмаган бирорта ҳам хо-надон қолгани йўқ.

Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу соҳадаги ютуқ-ларимиз ҳам бекиёс. Қишлоқ меҳнатчилари-нинг сиёсий ва маданият сависиси муттасил ошиб бормоқда. Ўтмишда кетмон ва омондан бошқа иш қуролини кўрмаган деҳқон бугунги кунда қудратли техникани моҳирона бошқар-моқда. Ер ҳайдаш, чигит экиш, гўза қатор ораларига ишлов бериш, ўғит солиш, ҳосилини териш, қўсақ узиш ва чўвини ишлари маши-налар ёрдамида бажариламоқда. Деҳқончилик маданияти ортиб, пахтачилик мисли қўрлма-ган даражада юксалди. Ўтган йилги яқун фик-

римизнинг далилидир. Ўзинчи беш йиллигининг биринчи йилида Андижон области йили ҳосил-да республикамизда қарвонбоши бўлди. Она-Ватан хирмонларига 604 минг тонна Андижон пахтаси уюлди. Тарих манбалари 1913 йили 11,5 центнердан ҳосил олинганидан дало-лат беради. Ўтган йили ўртача ҳосилдорлик область бўйича 33 центнерга етди. Пахтачи-лигини ана шу юксак даражага кўтаришга сал-моқли ҳисса қўшаётган таърибақорларимиз билан ҳақиқ равишда фахрланамиз. Ленин райони пахтакорлари ҳосилдорлигини 37,2 центнерга етказдилар. Набоскан, Марҳамат, Пахтабод районларида ҳам ҳар тектаридан 35-37 центнердан «оқ олтин» етиштирилди.

Ленин райониди Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Правда Востока» колхозси Иттифок-да таниқли қўжаликлардан. Бу ерда ўтган йил ҳосилдорлик 42 центнердан ошди. Уму-мав, 42 колхоз ва совхоз ўтган йили 35-40, 205 бригада 40, 19 бригада 50-55 центнерлик маррадан ошиб ўтди.

Яқин-яқинларгача ҳам пахта ҳосили асосан қўл кучи билан териб олинадир. Моддий-тех-ника базасининг мустақамланиши машина те-римини ташкил этишда кескин бурилиш ясаи имконияни берди. Ўтган йили йили ҳосилининг деярли ярми бункерлардан етишилди. Ҳар бир машина билан ўртача 119 тоннадан пахта те-рилди. Бўз, Набоскан, Комсомолобод, Қўрғон-тепа, Москва районларининг пахтакорлари ма-шина теримини ташкил этишда ибратли таъ-риба тўплаб, катта натижаларга эришдилар.

Маълумки, эришилган муваффақиятлар фи-додорона меҳнат маҳсулидир. Илйич Октябр тўнгидаёқ ҳар бир кишини юксак унвонга ик-тимоний меҳнатга жалб этишни ороу қилган эди. Илйич васиятларига содиқ адиқдорлик-лар даврасидан машҳур машинасозлар, қурув-чилар, таниқли пахтакорлар етишиб чиқди. Бу-гун биз Валижон Қўнаров, Абдуфаттоҳ Со-лиев, Маҳаммадижон Ўзлов, Умаржон Толи-пов, Сатторбой Шокиров, Салдинисо Тўхтаси-нов, Ҳайбўлла Абдуллаев, Нўмжонон Али-кулов сингари деңгдорларимиз. Ўзинчи беш йиллигининг шонли гвардиячилари номларини фахр билан тилга оламиз. Бу кишилар па-хтачиликни механизациялаш учун курашининг ёрқин юлдузларидир.

Областда қишлоқ ҳўжалигининг барча тар-моқлари комплекс ривожланмоқда, рентабе-ланиш ошмоқда. Дончилик, айниқса макмажў-ричилик соҳасидаги ютуқларимиз Андижон-нинг шўҳратига шўҳрат кўшатибди. Қозоғистон ССРнинг Тольдигўрғон области гапаларлари билан мусобақалашиб, областимиз гапалар-лари тўққизинчи беш йилликда ялли дон етиштириши 2,5 марта кўпайтирилди. Ўтган йили гадал ҳосилдорлиги 45,5 центнерга ет-казилиб, она-Ватан омборларига 98 минг тонна-дан зиёд дон тўкилди.

Чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, бондорчилик муттасил ривожланиб бормоқда. Чорва комплекслари қуриш, чорвачиликни са-ноат асосида ташкил этиш кенгаймоқда. Нати-жада сўнгги беш йилликдагина гўшт етишти-риш 30 процент, сут ишлаб чиқариш деярли 2 маротаба, тухум етиштириш 3,7 марта кў-пайди.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини комплекс равишда ривожланти-риш, айниқса пахтачиликни жадал суръатлар билан ривож топтириш соҳасидаги катта му-ваффақиятлари учун областимиз Ленин орде-ни билан мукофотланди. Ўтган йилигина со-циалистик мусобақа илғорларидан икки киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак ун-вонига сазовор бўлди, қишлоқ меҳнатчиларидан

(Давоми иккинчи бетда).



Суратда: Андижон шаҳрининг бугунги манзараси.

А. Тўраев фотолари.

